

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Конунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган хужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида та-нишиб чиқишингиз мумкин.

194 кишини (олдин – 204 киши) ташкил қилади.



### БИТИМЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

#### ЧЕТ ЭЛДА ВАҚТИНЧА МЕҲНАТ

Президентнинг 2012 йил 10 январдаги ПҚ-1680-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида вақтинча меҳнат фаолияти тўғрисида 2011 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида имзоланган Битим тасдиқланди.

#### ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ

Президентнинг 2012 йил 11 январдаги ПҚ-1682-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Вьетнам Социалистик Республикаси Ҳукумати ўртасида ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 2011 йил 3 октябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Битим тасдиқланди.

#### ДЕҲҚОН УЧУН УЙ

Президентнинг 2012 йил 14 январдаги ПҚ-1687-сон қарори билан 2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тасдиқланди. Унда «Қишлоқ қурилиш банк» С.А. ва Осиё тараққиёт банкнинг имтиёзли ипотека кредитларини жалб қилган ҳолда яқка тартибдаги уй-жойларни; яқка тартибдаги уй-жой қишлоқ массивларида ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари объектларини; ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш параметрлари назарда тутилган.

Қарор билан 2013 йилнинг 1 январига «Ўзсаноатмашимпэкс» ДАТК олиб келинадиган томга ёпиладиган металл тунукалар учун божхона тўловларидан

(божхона йиғимларидан ташқари), шунингдек улар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКга сотилганида импортга олиб келинган ёғочтахта материаллари ва томга ёпиладиган металл тунукалар қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилди.

Президентнинг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сон қарорининг 2-бандида берилган солиқ имтиёзлари «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКнинг «тайёр ҳолда топшириш» шартларида намунавий ло-йиҳалар бўйича қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишига пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналари учун 2014 йилнинг 1 январига узайтирилди.

### АППАРАТ ҚИСҚАРИШЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 январдаги 17-сон қарори билан республика давлат бошқаруви органлари бошқарув ходимларининг сонини мақбуллаштиришга доир чора-тадбирлар кўрилди. Унга мувофиқ республика давлат бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий ва уларга қарашли тузилмалар бошқарув ходимларининг сони 1 153 бирликка ёки 5 фоизга қисқарди, 2012 йил 1 февралдан бошлаб республика давлат бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий ва уларга қарашли тузилмалар бошқарув ходимларининг чекланган сони белгиланди. Чунончи, «Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг сони 127 кишидан (бундан олдин – 134 киши), вилоят бўғинларининг сони эса – 28 кишидан (олдин – 30 киши) иборат бўлади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг сони 65 кишини (олдин – 68 киши), вилоят бўғинларининг сони эса

### БЮДНИ ЯНГИЧА ТЎЛДИРИНГ

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2012 йил 25 январда 834-21-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. У бир қатор янги меъёрлар билан тўлдирилди. Чунончи, эндиликда ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланмаган ва бир хил ТИФ ТН коди билан таснифланадиган, бироқ турли номланишдаги, маркадаги, моделдаги ва турли товар белгилари, техник тавсифларига эга бўлган олиб кириладиган истеъмол товарлари қўшимча варақларни ишлатган ҳолда ҳар хил товарлар сифатида декларация қилинади.

Агар транспорт воситалари бир неча мамлакатга тегишли бўлса, 18 ва 21-устуннинг чапдаги кичик бўлимида уларнинг сони кўрсатилади, сўнг жой ташлаб «орқа бетга қаранг» ҳаволаси қўйилади, устуннинг ўнгдаги кичик бўлимида «999» коди кўрсатилади. БЮДнинг орқа томонида транспорт воситаларининг рақамлари ва дефисдан кейин транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакат коди кўрсатилади.

Божхона постларида контрактларни ҳисобга қўйишда муҳрда унинг кодига мос келувчи постнинг тартиб рақами кўрсатилиши керак.

Махсус назорат идентификация белгилари билан маркировкакланиши керак бўлган истеъмол товарларини декларация қилишда 31-устунда ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўйилган товарнинг серия рақамлари кўрсатилади.

2012 йил 4 февралдан кучга кирди.

### ОЛДИНРОҚ ҲИСОБОТ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2012 йил 25 январда 485-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Корхоналарнинг санацияси жараёнини мониторинг қилиш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Уларга кўра «Иқтисодий ночор аҳволдаги корхоналар билан ишлаш кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари» сўзларига ўзгартирилди.

Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъект томонидан кўмитага корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборот, Кўмита томонидан эса – ваколатли органга хулоса ва корхоналар санацияси жараёни ҳақидаги йиғма ахборот тақдим этиш муддатлари қисқарди.

Ҳўжалик юритувчи субъект уни ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан (олдин – кейинги ойнинг 20-кунидан) кечиктирмасдан тақдим этиши керак. Кўмита корхоналар ахборотининг таҳлили натижалари бўйича хулоса ва санация жараёни ҳақидаги йиғма ахборотни тайёрлайди ҳамда уни тақдим этган органга ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунига қадар (бундан олдин – 30-кунигача) тақдим этади.

2012 йил 4 февралдан кучга кирди.

2012 йил 14 январдан 27 январгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юригимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

### ЯНВАРЬ УЧУН ТАҲРИРИЯТ ҲИСОБОТИ

Ҳурматли газетхонлар, биз ҳар доимгидек сиз билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Солиқ солиш, божхона ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари бўйича экспертларимиз сизнинг кўп сонли саволларингизга жавоб бермоқдалар.

Январь ойида биз сиздан 38 та ёзма мурожаат қабул қилдик.

Газеталаримиз саҳифаларида куйидаги рўқналарда жавоблар чоп этилган: «Солиқ солиш» – 21 та, «Божхона» – 4 та, «Ижтимоий таъминот» – 7 та, «Ҳўжалик ҳуқуқи» – 4 та, «Кадрлар бўлими» – 13 та, «Сизнинг адвокатингиз» – 3 та.

«Бевосита мулоқот» лойиҳаси доирасида 200-00-59 телефони орқали 260 та кўнғироқ, [admin@norma.uz](mailto:admin@norma.uz) электрон манзилига эса 30 та мурожаат келган. «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи»да улардан 7 тасига жавоб чоп этилган, 4 таси [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида жойлаштирилган. Лойиҳа доирасида ҳар бир мурожаат қилганнинг электрон манзилига батафсил жавоб жўнатилган.

Шунингдек биз эътиборингизга «Солиқ солишдаги янгиликлар – 2012» солиштирма жадвали, бухгалтерга ёрдам сифатида эса «Хатсиз ҳисобот»ни ҳавола қилдик.

Ёзинг, кўнғироқ қилинг, маслаҳат олиш учун мурожаат қилинг, ҳурматли газетхонлар, биз сизга ёрдам беришдан доим мамнунмиз!

Таҳририят.



Эълон

### БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

уяли телефондан +99871  
стационар телефондан 8371

200-00-59

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача

Хизматлар бепул

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

2012 йилда «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталарида қандай мавзулар ёритилишини хоҳлайсиз?

Таклиф ва истакларингизни 283-36-34 телефони орқали билдиришингиз мумкин.

Биз билан бирга бўлганингиздан мамнунмиз.

Таҳририят.

## Қонунчиликдаги янгилик

ЎЗИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРГАН

Молия вазирлиги ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 26.01.2012 йилда 2195-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган, «СБХ»нинг 2 февралдаги 6-сонида ҳужжатлар пакетида чоп этилган) билан Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларига (АВ томонидан 16.02.2011 йилда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Ҳужжат билан уни ЭАВга экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товар таърифи аниқлаштирилган. Ўзгартиришлар киритилишига ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланган ҳолда корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган ёки қайта ишлаган тақдирдагина товар ўзи ишлаб чиқарган товар деб эътироф этилган.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, ўзининг ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлмаган, бироқ уларни ижарага оладиган ёки хом ашёни чет ташкилотга қайта ишлаш учун берадиган корхоналар ҳам ижарага олинган ускунада ишлаб чиқарилган ёки четдаги қайта ишловчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўзларига қарашли ишлаб чиқариш қувватларида маҳсулотни мустақил ишлаб чиқарадиган корхоналар билан бир қаторда ўзлари ишлаб чиқарган товар сифатида эътироф этишлари мумкин.

Бунда хом ашёни қайта ишлашга берадиган корхоналар қайта ишлашдан кейин олинган маҳсулотни, агар улар бераётган хом ашё ҳам ўзлари ишлаб чиқарган товар ҳисобланса, ўзлари ишлаб чиқарган товар деб ҳисоблашлари мумкин.

**МИСОЛ.** Трикотаж фабрикаси ишлаб чиқарилган трикотаж матонинг бир қисмини спорт кийимларини бичиш ва тикишга беради. Тайёр трикотаж буюмларини (спорт кийимларини) у ўзи ишлаб чиқар-

ган товар деб ҳисоблашга ва уларни ЭАВга экспортга етказиб бериш чоғида қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашга ҳақлидир. Агар у матони четдан сотиб олса ва уни қайта ишлашга берса, ундан тикилган буюмлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланмайди ва, тегишинча, улар экспорт қилинганда солиқ имтиёзлари ва преференцияларини қўллаш мумкин эмас.

Агар хом ашёни қайта ишлаш шартномасида қайта ишлаш бўйича хизматлар учун қайта ишланган маҳсулотнинг бир қисми билан ҳақ тўлаш назарда тутилса, қуйидагилар ўзлари ишлаб чиқарган товар бўлиб ҳисобланади:

буюртмачи корхона (хом ашё мулкдори) учун – хом ашё қайта ишланганидан кейин олинган маҳсулот, бунда қайта ишлаш учун ҳақ сифатида қайта ишлайдиган корхона тасарруфида қоладиган қисми чегирилади;

қайта ишловчи корхона учун – қайта ишлаш учун ҳақ сифатида унинг тасарруфида қоладиган маҳсулот.

**Дилшод СУЛТОНОВ,**  
Молия вазирлигининг  
солиқ ва боғхона тариф  
сиёсати бошқармаси  
бошлигининг  
ўринбосари,  
даромадларга солиқ  
солиш ва солиқ  
соҳасидаги халқаро  
алоқаларни тартибга  
солиш бўлими бошлиғи.

ҚАРЗДОРЛАРИМИЗНИ  
ОЛАҚОЛИНГ

МЧЖ муассисларидан бири (юридик шахс) хат орқали мурожаат қилиб, муассислар таркибидан чиқиш хоҳишини билдирди. Унинг улушини муассисга ташкилотимиз учинчи шахсга берган қарзни топшириш (учинчи шахсга ўтказиш) йўли билан сотиб олиш мумкинми?

МЧЖ директори.

– «Масъулияти чекланган миятлар тўғрисида»ги Қонун ҳамда қўшимча масъулиятли жа- (6.12.2001 йилдаги 310-И-сон)

## БИТИРУВЧИГА СТИПЕНДИЯ

Қизим ўтган йили институтни битирди. Ўзим тўртинчи курсда иккинчи ярим йил (1 мартдан 1 сентябргача) учун унинг ўқишига ҳақ тўладим. Бироқ ўқиш тугаганидан кейин институт унга июль ва август учун стипендия тўлашдан бош тортиб, қандайдир қарорни рўқач қилди, институт ходимлари унинг рекузитларини айтишмаяпти. Уларнинг айтишича, ана шу суммани қизимга ишга жойлашиш жойида тўлашлари шарт экан, стипендия эса фақат давлат гранти бўйича ўқийдиган талабаларга тўланаркан. Контрактда ҳам ёз ойлари учун стипендия тўламаслик тўғрисида шартлар келтирилмаган.

Институт июль, август учун битирувчиларга стипендия тўлашга мажбур бўлмаган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат борми?

Л. Свиридова.

– Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома<sup>1</sup> 17-банди тўртинчи хатбошисининг аввалги тахририга кўра битирувчи курслар талабаларига охириги ўқув семестри учун якуний қайта ҳисоб-китоб улар ўқишни тугатганидан кейин амалга оширилади. Бунда контракт бўйича ортиқча тўланган маблағлардаги фарқ, шунингдек ёз ойлари (июль, август) учун стипендия суммасини олий ўқув юрти та-

лабага у таълим олишни тугатгани тўғрисида буйруқ чиқарилганидан кейин қайтарган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қарори билан (АВ томонидан 13.02.2008 йилда 1339-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мазкур хатбоши ўз кучини йўқотди. Унинг ўрнига қабул қилинган меъёрга кўра, ўқув йили учун тўлов-контракт асосида ўқиш қиймати миқдорига киритилган, ҳар ойда тўланадиган стипендия суммаси

мазкур битимни очикдан-очик тақиқламайди. Шу сабабли, агар бу жамият устави билан тақиқланмаган ва қарз бериш шартномасида мажбуриятда шахсларни ўзгартиришга (талабларни учинчи шахсга ўтказишга) тақиқ назарда тутилмаган бўлса, уни амалга ошириш мумкин.

талабалар давоматининг рейтинг кўрсаткичларидан қатъи назар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди ва қайтарилмайди. Олий ўқув юртлирининг ходимлари айни шу ўзгартиришларни асос қилиб келтирмоқдалар. Бироқ улар талабанинг давомати билан боғлиқ стипендияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳолларига тааллуқлидир. Масалан, илгари тўрт ёки уч баҳо олува стипендияни камроқ тўлаб «тежалган» сумма ўқиш учун ҳақ тўлаган шахсга қайтарилган. Ҳозирги вақтда эса бундай қайта ҳисоб-китоб амалга оширилмаяпти, чунки стипендия ҳар доим таълим қийматига киритилади. Ёз вақти учун стипендия тўлашга келсаки, юқорида айтилган йўриқноманинг 9-бандида мустаҳкамланган меъёр амал қилади, унга кўра ўқув режасида назарда тутилган таътиллар даврида талабанинг стипендия олиш ҳуқуқи сақланади. Сиз ушбу охириги 2 ёз ойи учун ҳақ тўлаганингиз сабабли, аввалги курсларда ҳам ёз ойларида тўлаганингиз каби, улар ўқув режасига кирди ва, тегишинча, ушбу даврда талабага стипендия олиши керак.

<sup>1</sup>ОЎМТВ ва МВнинг АВ томонидан 16.04.2004 йилда 1339-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Мария ИВАНОВА, адвокат.

## Эълонлар

<b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b> Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.	«ASTER» ХК – БЮДни расмийлаштириш, юкларни декларациялаш. Тел.: 127-31-08, 233-23-27, 109-26-11.
<b>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</b> Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.	<b>ХИЗМАТЛАР</b> Корхона ва ташкилотларга иссиқ таом келтиришни ташкил этамиз. Тўлов – исталган шаклда. Тел. (+99890) 185-05-98.
Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.	СЕРВИС МАРКАЗИ. Epson, HP, CANON рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.
<b>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</b> ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.	Компьютерлар, ташкилий техника, ноутбуклар кафолат билан. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 126-20-17, 989-09-10, 215-61-11.
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.	Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.
<b>БОҲЖОНА ХИЗМАТЛАРИ</b> Ўз иш ҳажмларига эгэ бўлган боғхона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак. Тел.: 109-26-11, 128-25-08.	Микротўлқинли печлар, DVDни ТАЪМИРЛАШ. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.
*Хизматлар лицензияланган.	СЕРВИС МАРКАЗИ: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.

## ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Ўзи ишлаб чиқарган

1-2-бетлар

## ✓ СИЗНИНГ АДВОКАТИНГИЗ

– Қарздорларимизни олақолинг

– Битирувчига стипендия

2-бет

## ✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

– Меҳнат таътили жадвал бўйича

– Давлат ижтимоий сугуртаси: савол-жавоблар, таклифлар

3-бет

## ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ўриндош учун таътил

– Мажбурий чора

– Меҳнат дафтарчасидаги хато қандай тузатилади

– Дам олиш ҳуқуқи

– Вазифа эмас, лавозим қисқартирилади

– Аниқлик – иш берувчининг бурчи

– Аттестациядан ўтмадими, бўш иш жойи қидирсин

– Рози бўлмаслик буйруқни бекор қилмайди

– Узайиб кетган навбатчилик

– Классификаторда қайд этилмаган

4-6-бетлар

## ✓ БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

– Ёқилги истеъмоли солиғи борасидаги ўзгаришлар

– Техник хизмат бўйича Республика йўл жамғармасига ажратма қанча тўланади?

– Риэлторлик фаолияти нима?

7-8-бетлар

## МЕХНАТ ТАЪТИЛИ ЖАДВАЛ БЎЙИЧА

Иккинчи йил ва ундан кейинги йилларда ишлаганлик учун таътил бериш тартибини тушунтириб берсангиз.

Корхона ходими.

Таътил бериладиган иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади (Меҳнат кодекси 143-моддасининг иккинчи қисми, бундан кейин – МК). Қоидага кўра, таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим (МК 143-моддасининг бешинчи қисми).

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллари жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади (МК 143-моддасининг саккизинчи қисми). Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади (МК 144-моддасининг биринчи қисми). Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига



биноан ўзгартирилиши мумкин (МК 144-моддасининг бешинчи қисми).

Шуни ҳисобга олиш лозимки, МК 144-моддасининг учинчи қисмида санаб ўтилган айрим тоифаларга мансуб ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак. Ишлаётган эркакларга эса йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади (МК 144-моддасининг тўртинчи қисми).

Амалдаги қонун ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган таътилни мазкур иш йилида ишланган вақтга мутаносиб равишда борлигича беришга йўл қўймайди. Шу сабабли таътил олдиндан берилганда у тўлиқ бўлиши керак, яъни белгиланган муддатга мувофиқ келиши лозим. Ушбу таътилга ҳам тўлиқ пул тўланади.

**Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,**  
эксперт-юристинимиз.

200-00-59 телефони орқали «Бевосита мулоқот» лойиҳамиз доирасида ва [www.pogma.uz](http://www.pogma.uz) сайтига фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасига тааллуқли мурожаатлари кўпайди. Экспертларимиз уларни таҳлил қилиб, қуйидаги материални тайёрлашди.

# ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУГУРТАСИ: САВОЛ-ЖАВОБЛАР, ТАКЛИФЛАР

**Давлат ижтимоий суғуртасининг ўзи нима?**

Амалдаги қонун ҳужжатларида давлат ижтимоий суғуртасининг (бундан кейин – ДИС) таърифи мавжуд эмас. Уни тартибга соладиган асосий ҳужжатлар қуйидагилардир:

Меҳнат кодекси (XVI боб);

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом<sup>1</sup> (бундан кейин – 1136-сон Низом);


Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом<sup>2</sup>;

Деҳқон хўжаликлари аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги низом<sup>3</sup>;

Юридик шахс бўлмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши тартиби<sup>4</sup>.

Ушбу ҳужжатларнинг мазмунидан келиб чиқилганда, давлат ижтимоий суғуртаси давлат томонидан амалга ошириладиган кафолатланган ижтимоий таъминот шаклидир.

Давлат ижтимоий суғуртаси билан барча ходимлар (МКнинг 282-моддаси), шунингдек меҳнат ҳақи тарзида даромад оладиган бошқа шахслар (масалан, фуқа-



<sup>1</sup>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 8.05.2002 йилдаги 1136-сон буйруғи билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 9.09.2011 йилда 2262-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>3</sup>ВМнинг 24.08.2001 йилдаги 351-сон қарорига 2-илова.

<sup>4</sup>ВМнинг 24.08.2001 йилдаги 351-сон қарорига 1-илова.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида».

<sup>6</sup>«Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида».

ролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлайдиганлар) қамраб олиниши керак.

\*\*\*

**ДИС мақсадларига иш ҳақидан қандай ушланмалар амалга оширилади?**

2012 йилга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларидан улар мажбурий суғурта бадалларининг ставкаси 5,5% миқдоридан белгиланган (Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарори<sup>5</sup> 3-банди).

**МИСОЛ.** Ходимнинг иш ҳақи 550 000 сўмни ташкил қилади. Ижтимоий суғуртага ундан ҳар ойда 30 250 сўм (550 000 x 5,5%) ушланади.

Бундан ташқари, давлат ижтимоий суғуртаси мақсадларига иш берувчилар меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлайдилар (Президентнинг ПҚ-1675-сон қарорига 24-илова).

\*\*\*

**ДИСдан бош тортиш мумкинми?**

Йўқ, ДИС барча ишлайдиган фуқаролар учун мажбурийдир. Фақат деҳқон хўжаликларининг аъзолари ихтиёрий асосда ижтимоий суғурталанишлари керак.

\*\*\*

**Менинг 460 000 сўмни ташкил қиладиган иш ҳақимдан 3 йил ичида ДИСга қарийб 750 000 сўм ажратилган. Бунда мен ижтимоий тўловлар тайинлашлари тўғрисида бирор марта ҳам мурожаат қилмаганман. Мен ажратилган, бироқ фойдаланилмаган бадалларни қайтариб олсам бўладими?**

Йўқ, қонун ҳужжатларида ДИСга тўланган суммаларни қайтариш назарда тутилмаган. Улар муайян ҳолатлар юз берганда ижтимоий нафақалар кўринишида ёки пенсия таъминотида оид ҳуқуққа эга бўлинганда пенсия тўлови тарзида «қайтариб берилди».

\*\*\*

**Ўзбекистонликлар қандай ижтимоий тўловлар (нафақалар) олишга ҳақлилар?**

Суғурталанган ходимлар (меҳнат битимлари бўйича ишлаётганларнинг ҳаммаси шундай ходимлардир), тегишли ҳолларда эса уларнинг оилалари ҳам ДИС маблағлари ҳисобига қуйидагилар билан таъминланадилар:

ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола 16 ёшга тўлгунга қадар қўшимча дам олиш куни учун нафақа (1136-сон Низомнинг 85-банди); бола туғилгандаги нафақа; ёшга доир, ногиронлик бўйича ва боқувчисини йўқотган тақдирда давлат пенсияси; дафн этишга нафақа.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик

## ҚОНУН ИЖОДКОРИГА ТАКЛИФ

Газетхонларимиз саволлар берибгина қолмай, балки давлат ижтимоий суғуртаси тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам киритадилар.


**Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадлардан ДИСга бадалларнинг камроқ ставкасини белгилаш ёки уларни олувчиларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ижтимоий тўловлар берилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўларди.**

Қонун ҳужжатларида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлайдиган жисмоний шахсларнинг даромадларидан ижтимоий суғуртага бадалларни меҳнат шартномалари бўйича ишлайдиган ходимлар учун бўлганидек миқдорда ушлаш назарда тутилади. Бироқ бунда меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиганлар ижтимоий тўловларнинг «бутун пакетини» олиш (масалан, уларга бола туғилиши муносабати билан нафақалар, касаллик варақалари ҳақини ва ҳоказоларни тўлаш), фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган шахслар эса фақат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эгалар.

\*\*\*

**ДИСга бадаллар ушланадиган даромадлар суммасини пенсия тайинлаш учун қабул қилинадиган энг кўп миқдордаги иш ҳақи билан чеклаш лозим.**

2007 йил 1 октябрдан бошлаб Президентнинг 17.09.2007 йилдаги ПФ-3921-сон Фармонида<sup>6</sup> асосан пенсия ҳисоб-китоби учун ЭКИ-Хнинг 8 бараваридан кўп бўлмаган иш ҳақи қабул қилинади. Бироқ ижтимоий суғуртага бадаллар меҳнат ҳақи тарзидаги барча даромаддан ушланади, у эса кўп ҳолларда юқорида кўрсатилган энг юқори иш ҳақидан ошиб кетади.



ва туғиш нафақаларининг давлат ижтимоий кафолатлари сифатида тўланиши сақланади. Бироқ 2007 йил 1 январдан улар ДИС маблағлари ҳисобига эмас, бюджет ташкилотлари томонидан – меҳнатга ҳақ тўлаш фондига бюджет ажратмалари доирасида ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан – ўз маблағлари ҳисобига, кўрсатилган харажатларни фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чегирган ҳолда амалга оширилади (Солиқ кодексининг 141, 145-моддалари).

Нафақалар қуйидагиларга берилди:

ходимларга – уларнинг иш берувчи билан меҳнат муносабатлари даврида (бунга синов вақти ва ишдан бўшатиш куни ҳам кирази);

юридик шахсни ташкил этмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга – улар суғурта бадаллари тўлайдиган даврда;

деҳқон хўжаликлари аъзоларига – улар суғурта бадаллари тўлайдиган даврда.


## ЎРИНДОШ УЧУН ТАЪТИЛ

Менинг турмуш ўртоғим, асосий ишдан ташқари, бошқа ишда ўриндошлик бўйича ишлайди. Асосий иши бўйича таътилга чиқди, иккинчи ишида эса – йўқ. Деярли ҳар куни ишга қатнайди. Ўриндош бўлиб ишлайдиган ташкилотда унга таътил берилиши керакми?

Р.Аъзамова.

– Ҳа, берилиши керак. Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 160-моддасига мувофиқ, ўриндошлик – ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари, асосий ишдан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир. Ходим ўзининг асосий иш жойида (ички ўриндошлик) ҳам, бошқа иш берувчиларда (ташқи ўриндошлик) ҳам ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқига эга.

Ўриндошлик асосида иш-



лаётган ходимга иш берувчининг хоҳишига кўра асосий иш жойидан таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда йиллик ҳақ тўланадиган таътил беришга мажбур. Ушбу мажбурият ходим ўриндошлик бўйича 6 ой ишламаган тақдирда ҳам амал қилади (МКнинг 143-моддаси). Асосий иш бўйича таътил билан бир вақтда ўриндошлик асосидаги иш бўйича, шу жумладан аванс тарзида, таътил бериш учун асос бўлиб асосий иш жойидан берилган, йиллик ҳақ тўланадиган таътил вақти тўғрисидаги маълумотнома (ёки таътил бериш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси) хизмат қилиш мумкин.

Агар ўриндошлик асосидаги ишда ходимнинг йиллик ҳақ тўланадиган таътил муддати асосий иш жойи бўйича таътилни муддатидан кам бўлса, иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра унга тегишли муддат билан иш ҳақи сақланмайдиган таътил бериши мумкин (МКнинг 150-моддаси).

Иш берувчи билан низолашиб, ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшаш тўғрисида ариза бердим. Иш берувчи эса дарҳол менинг ўрнимга бошқа ташкилотнинг ходимини таклиф қилди.

Менда ўз аризамни бекор қилиш имконияти борми?

Д.Хўжаев.

## ЎЗ ВАҚТИДА ШАШТИДАН ҚАЙТДИ


– МК 99-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, 2 ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир.

Ариза берилган сана деб уни иш берувчига (корхона раҳбари, унинг ўринбосари, қабулхона котиби, кадрлар бўлими, девонхона ва ҳоказоларга) топшириш куни ҳисобланади. Огоҳлантириш муддати кейинги кундан бошлаб ҳисоблана бошлайди ва унга календардаги барча кунлар киритилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан 2 ҳафталик огоҳлантириш муддати тугашига қадар ҳам, бироқ фақат ходим

билан иш берувчи ўртасидаги ахдлашув асосидагина, бекор қилиниши мумкин. Меҳнат муносабатларини қонун билан белгиланган ёки тарафлар келишган ҳолда қисқартирилган огоҳлантириш муддати тугашига қадар ходимнинг розилигисиз бекор қилиш ноқонуний деб эътироф этилиши ва аввалги ишга тиклаш тўғрисида ходимнинг талабини қондириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ёки ходим ва иш берувчи келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати давомида ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганидан қатъи назар, аризасини қайтариб олишга ҳақли. Ходимнинг ўрнига бошқаси таклиф этилганлиги унга аризасини қай-



тариб олишни рад қилишга асос бўлмайди, чунки иш берувчи фақат аввалги ходим ўртасид меҳнат шартномасини бекор қилганидан кейингина, бу иш (лавозим)га бошқа ходимни таклиф қилишга ҳақли (Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишнинг тартибига солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сон қарорининг 15-банди).

Шу тариқа, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида иш берувчини огоҳлантирган ходим исталган вақтда огоҳлантириш муддати тугашига қадар ўзи аризасини чақириб олиши, яъни аввалги аризани бекор қиладиган янги ариза бериши мумкин.

### Реклама

**НОРМА** ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

**ИШ БЕРУВЧИГА  
ҚЎЛЛАНМА**

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

## МАЖБУРИЙ ЧОРА

Аёл болани 3 ёшга тўлгунча парваришlash бўйича иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътилда бўлган даврда ташкилотда янги тузилма ва штат жадвали жорий этилди. Аёл эгалланган лавозим қисқартирилди. Иш берувчи унинг розилигисиз аёлни ушбу даврда бошқа лавозимга ўтказишга ҳақлими?

Кадрлар бўлими бошлиғи.

– Йўқ, ҳақли эмас. МКнинг 234-моддасида назарда тутилишича, аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил берилади. Болани парваришlash таътили даврида унинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Шу сабабли аёлнинг розилигисиз у билан меҳнат шартномасини ходимлар сони (штат) қисқартиришига асосан бекор қилишга, шунингдек унга бола 3 ёшга тўлгунга қадар бошқа доимий (вакант) лавозимни таклиф қилишга иш берувчи ҳақли эмас (МКнинг 92, 237-моддалари).

Бола 3 ёшга тўлгандагина иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин.

Бунинг учун бола 3 ёшга тўлишига камида 2 ой қолганда аёлни шахсан ёзма равишда огоҳлантириш ва таклиф қилинган ишдан бош тортган тақдирда у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида тилхат олиш зарур (МКнинг 92-моддаси).

Агар аёл таклиф қилинаётган ишдан бош тортса ёки корхонада бўш иш жойлари бўлмаса, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан, аёл ишга чиққандан кейин, МКнинг 67, 92, 100, 101, 102, 107, 108, 109, 110,

151-моддалари талабларини бажарган ҳолда, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига биноан ходимлар сони (штат) қисқариши муносабати билан бекор қилиниши мумкин.



## МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИДАГИ ХАТО ҚАНДАЙ ТУЗАТИЛАДИ

Меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш санаси қайд этилаётганда хатога йўл қўйилган: 14-кун ўрнига 16-кун ёзилган. Кунни қандай қилиб тўғриlash хусусида маслаҳат берсангиз.

Кадрлар бўйича инспектор.

– Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2.8-бандига кўра, тузатишлар куйидаги тарзда расмийлаштирилиши керак:

Ишга қабул қилиш санаси ёзувини тўғриlashга мисол

ИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

№	Сана			Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар	Ёзувга асос бўлган ҳужжат, унинг санаси ва рақами
	йил	кун	ой		
1	2			3	4
				«ТИТАНИК» МЧЖ	
9	2011	16	11	Реализация бўлимига иқтисодчи лавозимига қабул қилинди	14.11.2011 йилдаги 89-к-сон буйруқ
10	2011	24	11	9-сон ёзув ҳақиқий эмас. 14.11.2011 йилдан реализация бўлимига иқтисодчи лавозимига қабул қилинди	14.11.2011 йилдаги 89-к-сон буйруқ

\*АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

## ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

**Ходим кейинги 3 йил мобайнида таътил олишдан бош тортиб келди ва биз уни бошқа муддатга кўчирдик. Бу ҳуқуқбузарлик ҳисобланадими? Январь ойида ходим ушбу таътиллари ҳаммасини бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Биз унга 3 йил учун таътилни бир вақтда бериш ҳуқуқига эгамизми?**

Кадрлар бўлими бошлиғи. Тошкент шаҳри.


– Ҳа, бундай ҳуқуққа эгасиз.

Бирок иш берувчи мазкур ҳолда Меҳнат кодекси бир қатор моддаларининг бажариш учун мажбурий бўлган талабларини қўпол равишда бузганлигини эслатиб ўтиш лозим. Чунончи, МКнинг 143-моддасида белгиланишича, таътил ҳар йили, шу таътил берилмаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. МКнинг 144-моддасида эса йиллик таътиллари бериш навбати жадвалга мувофиқ белгиланиши назарда тутилган. Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Ушбу талабларни бажармаслик меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш сифатида баҳоланади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (МЖТК) назарда тутилган, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиш тарзи-

даги жавобгарликка сабаб бўлади (МЖТКнинг 49-моддаси).

Ходимда барча тегишли йиллик меҳнат таътилларида фойдаланиш ҳуқуқи сақланиши боис, у турли иш йиллари учун барча таътиллари бир календарь йилда олишга ҳақлидир. Улар таътиллари жадвали бўйича ҳам, иш берувчи билан келишган ҳолда ишталган вақтда ҳам берилиши мумкин, чунки бир неча йил учун таътиллари беришга доир чеклашлар қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган.



Йиллик ҳақ тўланадиган таътилни 15 иш кунидан ошадиган қисми, ходимнинг ёзма аризасига кўра, пулли компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Ушбу қондан аввалги иш йиллари учун таътиллари ҳам қўллаш мумкин (МК 151-моддасининг иккинчи қисми). Масалан, ходимга бир йилда 21 иш куни давом этиши ҳисобидан 3 йил учун таътил – жами 63 иш куни берилди. Шундан ҳар йил учун 15 иш куни (жами – 45 иш куни) ва 6 иш куни (жами – 18 иш куни) – компенсация тарзида.

Бирок шуни назарда тутиш лозимки, МКнинг 137 ва 138-моддаларида назарда тутилган барча турдаги ижтимоий таътилларидан натурода фойдаланилади ва уларни пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

## АНИҚЛИК – ИШ БЕРУВЧИНИНГ БУРЧИ

**Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ ходимнинг аризасида кўрсатилган санадан кейинги санада чиқарилган бўлиши мумкинми? Бунинг оқибатлари иш берувчи учун қандай бўлади?**

Кадрлар бўлими инспектори. Тошкент вилояти.

– Йўқ, ходим билан

меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ санадан кейинги санада кўрсатилган сана билан мос тушиши шарт. Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ходимнинг аризасида кўрсатилган санадан (ишнинг охири куни) кейин чиқаришга йўл қўйилмайди, чунки ушбу ҳолда меҳнат муносабатларини бекор қилиш ўтиб кетган сана билан амалга ошириляпти. Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш таомили бузилади: меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг нусхасини бер-



майди (МКнинг 107, 108-моддалари).

Бундай вазиятда иш берувчи юридик жавобгар бўлади, яъни – иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганда ходимга мажбурий прогулнинг бутун вақти учун ўртача иш ҳақи тўланади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш куни бўлиб меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Меҳнат шартномасини

бекор қилишнинг янги санаси тўғрисида буйруқ чиқарилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилади. Илгари киритилган ёзув 402-сон Йўриқноманинг 2.18-бандида белгиланган тартибда бекор қилинади (МКнинг 275-моддаси ва 402-сон Йўриқноманинг 3.1-банди).

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, меҳнат дафтарчаси берилишини иш берувчининг айбига кўра кечиктириш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш сифатида баҳоланади, бунинг учун МЖТКнинг 49-моддасида мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиш тарзидаги жавобгарлик назарда тутилган.

Агар сиз ўз вақтида хатога йўл қўйилганини аниқласангиз, нохуш оқибатлар юзага келмаслиги учун аввал чиқарилган буйруқни бекор қилиб, тўғри сана қўйилган янги буйруқ чиқарганингиз маъқул.

**Корхонадаги ишлар ҳажми камайиши муносабати билан штатлар қисқартирилди. Ишдан бўшатилган ходимларнинг бири суд инстанциясига мурожаат қилди. Бирок штат жадвалида у эгаллаган лавозим бўйича 1 бирлик назарда тутилган, бошқа бўш жойлар мавжуд эмас. У судга ишга тиклашлари тўғрисида даъво билан мурожаат қилиб, аризада унинг вазифалари бошқа ходимга юклатилганлигини кўрсатиши мумкинми? Кўрсатилган асосларга кўра у ишга тикланиши мумкинми?**

Кадрлар бўлими бошлиғи.

## ВАЗИФА ЭМАС, ЛАВОЗИМ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ



– Меҳнат шартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан (ходимлар штатининг қисқартирилиши) бекор қилинган тақдирда иш берувчи ходимга корхона, муассаса ва ташкилотда мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган бошқа ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса – бошқа ишни (агар бундай иш мавжуд бўлса) таклиф этиши шарт (МКнинг 92-моддаси).

Агар ходим таклиф қилинаётган ишдан бош тортса ёки корхонада бўш жойлар мавжуд

бўлмаса, меҳнат шартномаси МКнинг 67, 92, 100, 101, 102, 107, 108, 109, 110, 151-моддаларининг талабларини бажарган ҳолда МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан бекор қилиниши керак. Бунда иш берувчи бўшаётган ходим бажарадиган вазифаларни бошқа ходим зиммасига юклаб, унинг лавозим вазифалари доирасини кенгайтиришга ҳақлидир (МКнинг 160-моддаси).

Қонунда назарда тутилган барча талабларга риоя этилганда ходимда ишга тикланиш учун асослар бўлмайди.

## АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТМАДИМИ, БЎШ ИШ ЖОЙИ ҚИДИРСИН

**Иш берувчи аттестация ўтказиш якунлари бўйича ходимларга ўриндош банд этган лавозимни таклиф қилиши шартми? Бундай лавозимни бўш иш жойи деб ҳисобласа бўладими?**

Кадрлар бўлими инспектори.

– МК 92-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, аттестация ўтказилганидан кейин ва унинг натижаларига боғлиқ ҳолда иш берувчи ходимга мутахассислиги бўйича бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди бўйича малакаси етарли бўлмаганлиги оқибатида ходимнинг бажариладиган ишга мувофиқ эмаслиги сабабли бекор қилиниши мумкин.

Бунда мутахассислик бўйича бирмунча кам малакали иш деб, у мавжуд бўлмаганда эса – корхонада мавжуд бўлган бошқа иш деганда қонун чиқарувчи ходимнинг малакасига мувофиқ келадиган вакант (ҳеч ким банд этмаган) лавозим ёки ишни ҳам, ходим бажариши мумкин бўлган

бошқа камроқ ҳақ тўланадиган иш ёки лавозимни ҳам тушунади.

МКнинг 160-моддасига мувофиқ ўриндошлик ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир. Шу сабабли ўриндошлар ҳам, бошқа ходимлар сингари, штат жадвалидаги лавозимларни меҳнат шартномаси (контракт) шартларида банд этадилар.

Бинобарин, ўриндошлик асосида ишлайдиган ходим банд этадиган лавозимга вакант лавозим деб қараб бўлмайди.



## РОЗИ БЎЛМАСЛИК БУЙРУҚНИ БЕКОР ҚИЛМАЙДИ

Лавозимимни қисқартириш тўғрисидаги буйруққа имзо чекмадим. Иш берувчи ва кадрлар хизмати мен буйруқни имзолашдан бош тортганлигим тўғрисида далолатнома тузишди.

Иш берувчи менга нисбатан қандай йўл тутиши мумкин? Бу ҳолда мен нима қилишим керак? Қисқартиришга тушган ходимларга қандай имтиёзлар берилади?

Ш.Аҳмедов.

– Сиз бўлғуси қисқартириш тўғрисидаги буйруққа имзо чекмаганлигингиз юридик аҳамиятга эга эмас. Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни, ходимлар сони (штати) қисқарганлиги муносабати билан бекор қилинганда, камида 2 ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт (Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди, 102-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, бундан кейин – МК). Ходимнинг буйруқ билан танишишдан бош тортгани уни ишдан бўшатиш учун тўсиқ бўла олмайди. Ушбу ҳолда унинг бўлғуси қисқартириш тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириш далилини ўз имзоси билан тасдиқлашдан бош тортганидан гувоҳлик берувчи далолатнома тузилади.

МКнинг 103-моддасига мувофиқ ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда ушбу моддада ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Иш берувчи огоҳлантириш муддати даврида ходимга му-

тахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт (МК 92-моддасининг иккинчи қисми).

Огоҳлантириш муддати давомида ишдан бўшатилаётган ходимга бошқа иш кидириш учун ҳафтада камида 1 кун (шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда) ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади. Огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти кўшилмайди (МК 102-моддасининг олтинчи қисми).

Қисқартириш тўғрисида сиз хабардор қилинган (далолатнома тузилган) кундан бошлаб 2 ой ўтгач иш берувчи (ходим бошқа ишга ўтказилишидан бош тортган ёки корхонада тегишли иш бўлмаган ҳолда), олдиндан мазкур масалани ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб (агар бундай розилик олиш жамоа битими ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса) сиз билан меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 101-моддаси). Меҳнат шартномаси бекор қилинганда сизга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси, сизга тегишли иш ҳақи ва фойдаланилмаган таътилларнинг барчаси учун пул компенсациясини тўлашлари керак (МКнинг 109, 110 ва 151-моддалари).

Бундан ташқари, ишдан бўшатилаётган ходимларга, МКнинг 67-моддасига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганда моддий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кафолатлари берилади (масалан, иш излаш даврида ходимларнинг ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, бироқ у 2 ойдан ошмаслиги керак). Ишдан бўшатган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини ҳам бериши шарт (МКнинг 108-моддаси).

Агар сиз иш берувчининг қароридан норози бўлсангиз, сизга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси ва меҳнат дафтарчаси берилган кундан бошлаб 1 ойдан кечикмай судга ишга тиклаш даъвоси билан мурожаат қилишга ҳақлисиз (МКнинг 270-моддаси).

Юрист қариндошим 12 соатдан кўп ишлаб бўлмайди деб айтган эди. Бу меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш бўлиб, бунинг учун раҳбарни жазолашлари мумкин. Ўзим навбатчи тиббий ҳамшира бўлиб ишлайман. Бир ойда 7–8 сутка навбатчилик қилишимга тўғри келади. Эрталаб смени қабул қиламан, кейинги тонгда топшираман. Барча тиббий ҳамшираларимиз ана шундай ишлайди.

Бундай қилинса, тартиб бузилмайдими?

Дилдора, тиббий ҳамшира.

## УЗАЙИБ КЕТГАН НАВБАТЧИЛИК

– Қариндошингиз тамомила ҳақ. МК 123-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ кундалик иш вақти (смена)нинг муддати 12 соатдан ортиб кетмаслиги керак.

Меҳнат кодексига «навбатчилик» тушунчаси мавжуд эмас. Бироқ у, одатда, ўрта тиббий ходимлар ва мутахассис шифокорларнинг навбатчилиги иш берувчи томонидан тасдиқланган иш жадвалларига мувофиқ куну тун ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган соғлиқни сақлашнинг турғун муассасаларида қўлланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу ходимлар кўпи билан 12 соат ишлаганидан кейин алмашилиши керак. Бунда навбатчилик иш вақтининг ойлик меъёри доирасида амалга оширилиши зарур.

**МИСОЛ.** 2012 йил январидан 36 соатлик иш ҳафтасида иш вақтининг календаридан 156 иш куни назарда тутилади. 7 суткалик (24 соатлик) навбатчилик 168 иш соатини ташкил қилади. Иш вақ-



тидан ташқари 12 соат иш вақтининг 157-моддасига мувофиқ, камида икки баравар миқдорда ҳақ тўланиши керак.

Шу тариқа, муассасангиз раҳбарияти 24 соатлик иш сменини белгилаб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини кўпол равишда бузмоқда. Бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (49-модда) назарда тутилган жавобгарликка – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жаролини олиб келишини эслатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## КЛАССИФИКАТОРДА ҚАЙД ЭТИЛМАГАН

Ташкилотимизнинг тасдиқланган штат жадвалига бир неча йил фақат ходимларнинг лавозим маошларига ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирда унда кўрсатилган баъзи бир лавозимлар Асосий лавозимлар ва ишчилар касблари классификаторида мавжуд эмас. Штат жадвалида Классификаторга киритилмаган лавозимни назарда тутиш мумкинми?

Агар унда, масалан, реализация бўйича менежер, Классификаторда эса менежер ёки ишнинг баъзи бир бошқа йўналишлари бўйича менежер қайд этилган бўлса, ушбу ҳолда штат жадвалига ўзгартиришлар киритиш керакми?

Ташкилот раҳбари.  
Тошкент шаҳри.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида» қарорининг (20.08.2010 йилдаги 181-сон, бундан кейин – 181-сон ВМК) 2-бандида белгиланишича, Классификатор хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланиш қисмида, шу жумладан, меҳнат дафтарчаларида ёзувларни қайд этиш, лавозимларни ходимларнинг тоифаларига киритиш юзасидан республиканинг барча ташки-

лотларида қўлланилиши мажбурийдир.

181-сон ВМКнинг 3-банди билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига (МАИМКВ) вазирликлар ва идораларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда меҳнат бозорини таҳлил қилиш натижалари бўйича Классификаторни қайта кўриб чиқиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилган. Бунда 181-сон ВМК билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тасдиқлан-

ган Классификатор асосида 2011 йил охиригача, касб тайёргарлиги йўналишларига қўйиладиган талабларни кўрсатган ҳолда, хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини, шунингдек тегишли лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўрсатмаси берилган.

181-сон ВМКнинг 3-бандини бажариш мақсадида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси

хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби (АВ томонидан 9.10.2010 йилда 2145-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Тартиб) тасдиқланган, унга биноан Классификаторга ўзгартириш ва қўшимчалар Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификацияси жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва Классификаторга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса бериш учун МАИМКВ томонидан Эксперт ишчи гуруҳи тузилади. Сиз ўзингизни қизиқтирадиган лавозимлар бўйича таклифларингизни унга юборишингиз лозим. Эксперт ишчи гуруҳи ҳулосаси асосида меҳ-

нат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг Классификаторга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи чиқарилади (Тартибнинг 6-банди). У қабул қилинганга қадар қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган тартибда ўз штат жадвалингизни Классификаторга мувофиқлаштиришингиз керак.

Иккинчи саволингизга келсак, МАИМКВ мутахассисларининг бизга маълум қилишларича, агар лавозимнинг номи Классификаторда кўрсатилган базавий лавозимдан бошланса (масалан, менежер), штат жадвалига ўзгартириш киритишга зарурат йўқ. Масалан, агар унда реализация бўйича менежер, Классификаторда эса менежер ёки ишнинг баъзи бир бошқа йўналишлари бўйича менежер (офис; департамент; сифат; пулли хизматлар ва ҳоказолар бўйича) қайд этилган бўлса, ташкилотнинг штат жадвалига ўзгартиришлар киритилмайди.

## ЁҚИЛГИ ИСТЕЪМОЛИ СОЛИГИ БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Бизнинг жамият янги ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда Фарғона вилоятида автомобилларга сиқилган газ (метан) қуйиш фаолияти билан шуғулланади. Чакана савдо орқали истеъмолчиларга нақд пулга газ сотиб, истеъмол солиғини тўлаб келялмиш. Шунингдек, шартнома бўйича юридик шахсларга ҳам пул ўтказиш йўли билан сиқилган газ сотганда истеъмол солиғи тўлашимиз керакми ёки йўқми?**

**Файрат Мирхамедов,  
бош бухгалтер.**

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ масалалари Солиқ кодексининг (СК) XIV бўлимида очиб берилган. Ушбу солиқнинг тўловчилари бўлиб жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланади (СК, 301-модда). Бунда жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилиш солиқ солиш объекти ҳисобланади. Солиқ солинадиган база сифатида жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ҳажми олинади.

Солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан олиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2011 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сон қарорининг 21-иловасида жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкалари кўрсатилган, хусусан транспорт воситалари учун 1 куб метр сиқилган газ учун 200 сўм белгиланган.

Юридик шахсларга чакана нархларда чакана савдо тармоғи (автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари) орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ сотишда жисмоний шахслардан транспорт воситаларига ушбу маҳсулотларни ишлатганлик учун олинадиган солиқ бюджетга қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади ва сотиш нархида ҳисобга олинади (ПҚ-1675-сон қарорнинг 21-иловасига изоҳ).

**Жавобни экспертизимиз  
Мурод МУҲАМЕДЖАНОВ тайёрлади.**

## ТЕХНИК ХИЗМАТ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТМА ҚАНЧА ТўЛАНАДИ?

**Бизнинг муқобил машина трактор парки корхонамиз «Хоразмпактасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш заводлари ва вилоят фермер хўжалиқларига техник хизмат кўрсатади.**

**Корхонамизда ишларнинг 90 фоизини қишлоқ хўжалиқ техникалари, яъни МТЗ, МХМ-140 тракторлари, 10 фоизини бошқа автотранспорт воситалари бажаради. Корхонамиз Республика йўл жамғармасига неча фоиз миқдорда солиқ тўлаши керак?**

**Г.Бобожонова,  
«Хоразмпактатранс» ММТП бош бухгалтери.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (СК) 316-моддасига кўра Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) – юридик шахс.

Қуйидагилар Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно; ягона солиқ тўлови тўловчи юридик шахслар;

ихтисослаштирилган йўл хўжалиги бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар,

Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилган умуий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва куриш бўйича ишларни бажарганлик учун олинган даромадлар қисми бўйича.

СКнинг 317-моддасига биноан, соф тушум Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

2011 йил учун солиқ солишнинг турли объектлари белгиланган фаолият турлари ва улар бўйича Республика йўл жамғар-

масига мажбурий ажратмаларнинг ставкалари республика Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига 22-иловасида келтирилган.

Юқоридагиларга кўра сиз 2011 йил учун алоҳида-алоҳида ҳисобни юритган бўлишингиз ва улар бўйича:

**фаолиятингизнинг 90 фоизини ташкил қиладиган қишлоқ хўжалиги техникалари билан бажарилган ишлар бўйича 1,4%, 10 фоизини ташкил қиладиган автотранспорт хизмати бўйича 2,5% Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашингиз керак.**

2012 йил учун солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари Президентнинг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон қарори билан белгиланган.

Ушбу ПҚ-1675-сон қарорда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари ҳамма тоифадаги корхоналар учун умуий – 1,4% миқдорда белгилаб қўйилди.

Демак, сиз 2012 йил учун Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни 1,4% миқдорда тўлайсиз.

**Жавобни экспертизимиз  
Малика ҲАДИЕВА  
тайёрлади.**

## ЗАРАРНИ МУЛҚДОР ҚОПЛАШИ МУМКИНМИ?

**Бизнинг очиқ акциядорлик жамияти хорижий инвесторлар улушидаги корхона ҳисобланади. 2011 йил давомида қўшимча ишлаб чиқариш цехини қуриб ишга туширганимиз, банк кредити ва фоизлари учун катта миқдорда харажатлар қилганимиз туфайли йилни зарар билан яқунладик.**

**Эндиликда молиявий хўжалиқ фаолиятимизни яхшилаш мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидаги саволларга жавоб олишни истар эдик.**

**Корхона мулкдорлари, ўзларининг мулкий улуши ҳисобидан зарарни қоплаши мумкинми? Бундай ҳолатда қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади ва бу операция амалга ошириладиган бўлса, у молиявий натижалар тўғрисидаги 2-сонли шакл ҳисоботида ва йиллик балансда қандай ифодланади?**

**К.Юлдашев,  
ОАЖ бош бухгалтери.**

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (кейинги ўринларда – Қонун) 20-моддасига кўра, акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак. Жамият устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Қонуннинг 22-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умуий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш

шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтириш мумкин.

Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга, агар бундай имконият жамиятнинг уставига назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади.

Шунингдек, агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгаришларни рўйхатдан ўтказиш кунда қонун ҳужжатларида белгиланганидан жамият устав фондининг энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умуий йиғилишида қабул қилинади. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умуий йиғилиши фондни камайтириш

сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

Устав фондини камайтириш вақтида жамият тугатилганида назарда тутилган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

Шуни қайд этиш лозимки, устав фондини камайтириш кўзда тутилган тартибда жамиятнинг янги тахрирдаги устави қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Шунингдек, Қонуннинг 34-моддасига кўра, жамият уставига назарда тутилган, аммо устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставига назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставига белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Қонунга мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан башқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари

бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдорга камайтиришини эълон қилиши шарт.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган устав фондининг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаса, унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек давлат томонидан ваколат берилган органлар уни суд тартибда тугатишни талаб қилишга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сизнинг ҳолатингизда корхона йиллик молиявий хўжалиқ фаолиятининг зарарини жамиятда ташкил этиладиган захира фонди ҳисобидан қоплаши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

**Жавобни экспертизимиз  
Фуломжон ТўЛАГАНОВ тайёрлади.**

## РИЭЛТОРЛИК ФАОЛИЯТИ НИМА?

**Биз – «Хоразм кўчмас мулк савдо сервис» МЧЖ ходимлари газетанинг ҳар бир сонини ўқиб, ўзимизга керакли ахборот ва қимматли маслаҳатларни олиб келмоқдамиз. Газетада чоп этиладиган солиқ тўғрисидаги қонунлар, солиқ тўлашдаги ўзгартиришлар, корхона бухгалтериясида иш юритиш ва ҳисоботларни қай тарзда топшириш тўғрисидаги янгиликлардан бохабар бўлиб келишимиз ишимизга жуда катта ёрдам бермоқда.**

**Иш жараёнида айрим тушунмовчиликлар юзага келаётганлиги сабабли сиздан риэлторлик фаолияти ва ушбу фаолият бўйича қандай солиқ имтиёзлари кўзда тутилганлиги тўғрисида батафсил тушунтириш беришингизни сўраймиз.**

Ислом Жуманиёзов,  
МЧЖ бухгалтери.

– Риэлторлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун (2010 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-269-сон Қонун, 2011 йил 23 июндан кучга кирган, кейинги ўринларда – Қонун) билан тартибга солинади.

Хусусан, риэлторлик фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Шуни эътиборга олиш кераки, риэлторлик фаолияти риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан бериладиган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади. Бу масала Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом (ВМнинг 2011 йил 10 майдаги 129-сон қарори билан тасдиқланган) билан тартибга солинади.

Риэлторлик ташкилоти ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин (Қонун, 4-модда).

Риэлторлик ташкилоти штатида риэлторнинг малака сертификатига эга бўлган камида икки нафар ходим, шу жумладан, риэлторлик ташкилотининг раҳбари бўлиши керак.

Риэлторлик ташкилоти риэлторлик фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Риэлторлик ташкилоти ўз фаолиятини ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш полиси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширади.

Шу билан бирга, риэлтор малака сертификатига ва лицензияга эга бўлган, яқна тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс бўлиши мумкин (Қонун, 5-модда).

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи: риэлторлик ташкилотлари ва риэлторларга лицензияни беради, қайта расмийлаштиради;

риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлар томонидан лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туради, лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ёки тугатиш ҳамда лицензияни бекор қилиш ҳақида судга мурожаат қилади; лицензияни бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;

риэлторлик ташкилотининг ходимларига, шу жумладан, раҳбарига ва малака сертификатини олиш учун даъвогарларга малака талабларини белгилайди; малака сертификатини беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади.

Шунингдек, риэлторлик фаолияти куйидаги турлардаги риэлторлик хизматларини кўрсатиш орқали амалга оширилади:

кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;

кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;

кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;

кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари (Қонун, 9-модда).

Жумладан, кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик (кўчмас мулкнинг олди-сотдиси, ижараси, гарови, айирбошланиши, ҳада этилиши, рентаси, кўчмас мулкдан текин фойдаланилиши ва умрбод таъминлаш шарт билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш билан боғлиқ ҳаракатлар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи билан тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида риэлторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш савдони ўтқа-

зиш тўғрисидаги ва унинг яқунлари ҳақидаги хабарномаларни тайёрлаш ҳамда эълон қилишни, савдога қўйилаётган кўчмас мулк объектларини реклама қилишни, савдода иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш ва ҳисобга олишни, закалат тўғрисида келишувлар тузишни, савдони ўтказишни, ўтказилган савдо яқунларига доир баённомани расмийлаштиришни, сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги ҳисобкитоб учун шарт-шароитлар яратишни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа хизматларни ўз ичига олади (Қонун, 11-модда).

Кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш бўйича фаолият – риэлторлик ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш шартномаси асосида берилган кўчмас мулк объектларини риэлторлик ташкилоти томонидан ўз номидан ҳақ эвазига муайян муддат давомида бошқарув муассисининг ёки у кўрсатган шахснинг (фойда олувчининг) манфаатларини кўзлаб бошқаришнинг амалга оширилишидир.

Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари буюртмачини кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги, кўчмас мулк бозори ва унинг иштирокчилари ҳолатини таҳлил этиш ҳамда прогноз қилиш ҳақидаги, мазкур бозорнинг конъюктураси, кўчмас мулк бозори соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлашни, шунингдек кўчмас мулк объектлари рекламасининг тарқатилишини ташкил этишни, битим тарафларини танлаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор куйидаги ҳуқуқларга эга: ўз ваколати доирасида риэлторлик хизматлари кўрсатиш; ўз риэлторлик хизматларини ва буюртмачининг кўчмас мулк объектларини реклама қилиш; риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси шартлари буюртмачи томонидан бажарилмаган тақдирда шартноманинг бекор қилинишини талаб этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан риэлторлик фа-



олиятини амалга ошириш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда олиш (Қонун, 14-модда).

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор куйидаги мажбуриятларни бажаради:

буюртмачининг талабига биноан лицензияни ва малака сертификатини кўрсатиши;

ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиши;

буюртмачига риэлторлик хизматларини фақат риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида кўрсатиши;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш чоғида буюртмачининг манфаатларини ифодалаши;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш давомида олинган махфий ахборотни ошкор этмаслиги, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; буюртмачидан олинган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши;

буюртмачига кўчмас мулк объектига, унга бўлган ҳуқуқларга тааллуқли ишончли ва тўлиқ ахборотни, шунингдек кўчмас мулк объектнинг мулкдори (ҳуқуқ эгаси) ҳақидаги Қонунда назарда тутилган ахборотни тақдим этиши;

буюртмачини кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ахборот билан таъминлаши;

буюртмачининг ёзма мурожаатларига ёзма шаклда жавоб бериши;

бажарилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномалари бўйича архив материалларини шакллантириши ва уларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддат мобайнида сақлаши шарт.

Шуни айтиш лозимки, риэлторлик ташкилотига қатор орган ва ташкилотлар томонидан, хусусан, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан – юридик шахсларнинг давлат реестрига

киритилган маълумотлар ҳажмида кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан – кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ва кўчмас мулк ҳақидаги очиқ фойдаланиш маълумоти бўлган бошқа маълумотлар базаларига киритилган маълумотлар ҳажмида, давлат солиқ хизмати органлари томонидан – битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти бўйича солиқларни тўлаш юзасидан қарз мавжуд эмаслиги ҳақида, ички ишлар органлари томонидан – битим предмети бўлган кўчмас мулк объекти манзили бўйича фуқаролар қайд этилганлиги ҳақида ахборот тақдим этилади.

Шунингдек, риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (АВ томонидан 2011 йил 12 июлда 2244-сон билан рўйхатдан ўтказилган 1-сон РХМС) «Риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»да белгиланган.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-325-сон қарори 7-бандига кўра, **риэлторлик хизматлари 2014 йил 1 январга қадар даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилган.**

**Жавобни экспертизмиз Фуломжон Тўлаганов тайёрлади.**

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**  
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ  
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
тел. 283-44-57

Е-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz  
Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 38 Адади 3 340. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2012 йил 6 февралда соат 15.30 да топширилди.  
ISSN 2010-5223